

**Сиқилган табиий газ етказиб бериш бўйича № 10 - сонли
ШАРТНОМА**

“---07” январь 2022 й.

Кўшкўпир тумани

“Кўшкўпир қурувчи” хусусий фирмаси номидан раҳбари К.Маткаримова Низомга асосан иш юритувчи, бундан буён “Таъминловчи” деб аталувчи бир томондан, Кўшкўпир тумани СЭО ва ЖСХ номидан бошқарувчи М.Р.Юсупов Низомга асосан юритувчи, бундан буён “Истеъмолчи” деб аталувчи бошқа томондан биргаликда “Таъминловчи” ва “Истеъмолчи” деб аталувчилар қуйидагилар ҳақида шартнома тузидилар:

1. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ

- 1.1 Шартнома “Истеъмолчи” қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилган тақдирда тузилади.
- а) автомобил давлат рақами ва автомашини русуми кўрсатилган холда АГТКШ раҳбари номига хат.
 - б) Автомашина техник паспорти ва Газ баллони техник синовдан ўтганлиги ҳақида далолатнома нусхалари.
- 1.2 Шу билан бирга “Таъминловчи” махсус ажратилган ГТК оркали автомобилларни навбатсиз қабул қилиш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

“Таъминловчи” сиқилган табиий газни автомобилларга тўлдириб бериш мажбуриятини олади “Истеъмолчи” унинг ҳаққини тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади:

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йил давомида умумий	Чораклар бўйича			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
Газ баллонли автомашиналар учун сиқилган табиий газ	Куб метр	4080	1920	720	720	720

- 2.1. “Истеъмолчи”нинг автомобилларга газ тўлдириб бериш, “Таъминловчи”нинг “Автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияси” (АГТКШ) оркали амалга оширилади.
- 2.2 “Истеъмолчи” автомобилларга газ тўлдириш санаси газ етказиб бериш санаси ҳисобланади.

3. ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ТАРТИБИ

3.1. Шартнома тузилган кундаги 1 (Бир) м³ сиқилган табиий газ нархи ККС ва Акциз солиғини билан 2500 сўмни ташкил қилиб, умумий тўлов нархи 10 200 000 (Ун миллион икки юз минг) сўм бўлади. Шундан 3000000 (Уч миллион) сўм сиқилган табиий газ 1200 Куб метр бюджет 100022860332127074110054001 ҳисоб рақамидан қолган 7200000 (Етти миллион икки юз минг) сўм сиқилган табиий газ 2880 Куб метр бюджетдан ташқари 401421860332127074110054001 ҳисоб рақамидан туланади

Шунингдек хом ашё нархининг ўзгариши материаллар, ёкилғи энергетик ресурсларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари ва меъёрланган ҳужжатларнинг ўзгариши сабабли умумий сумма ўзгариши мумкин.

3.2. Газни бериш “Таъминловчи”нинг ҳисоб рақамига олдиндан 30 % (фоиз) пул келиб тушганидан кейингина қайднома асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. истеъмолчи қолган 70% (фоиз) пулни маҳсулот тўлик берилганидан кейин ўтказишни амалга оширади

3.3 Ҳисоб-китоблар банк қоидалари ва жорий қонунларда кўрсатилган формаларда амалга оширилади.

4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

4.1 “Истеъмолчи” газ баллон билан жихозланган автомобилларнинг умумий техник ҳолатига ва ишлашида техник хавфсизлиги шунингдек ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликга жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.2 “Истеъмолчи” мажбурияти:

- а) сиқилган табиий газда ишлайдиган автомашиналарнинг техник шартига, фойдаланиш қонун-қоидаларига, йўриқномаларга тўла амал қилишни ўз зиммасига олади;
- б) сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобилларни газ баллон усқуналарини соз ҳолатда сақлашни ва автомобиль қисмларини асрашни ўз зиммасига олади;
- в) Газ баллон қурилмасининг техник ҳолати ҳақида йўл варақасига ёзиб қўйиш;
- г) Белгиланган тартиб асосида автомобилларнинг сиқилган табиий газ билан тўлдириш ва ишлатишга руҳсатнома олиш;

4.2.1 “Истеъмолчи”нинг газ тўлдириш учун АГТКШга келган транспорт воситасида қуйидаги меъёрий ҳужжатлар бўлиши шарт.

- а) Газ баллони техник синовдан ўтганлиги ҳақида далолатномаси;

- б) Хайдовчи газ балонли автомобилни бошқаришга ўқиганлиги ҳақида гувоҳномаси;
- в) Автомашина техник паспортида ЙХХБ органлари томонидан газ мосламаси ўрнатилганлиги тўғрисидаги белги;
- г) Автомашина техник паспортида техник кўриқдан ўтганлиги ҳақида белги;
- д) Йўл варақаси;

4.3 “Таъминловчи” мажбурияти:

- а) автомобиль газ баллон Қурилмаларини, назорат қилувчи асбобларини ва беркитувчи мосламаларини тўғри ишлашини текширади;
- б) сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобиль хайдовчиларига бериладиган махсус гувоҳномалари борлигини, рухсатнома ва йўл варақасини текширади;
- в) “Истеъмолчи” томонидан газ тўлдириш шахобчаси регламенти коидалари, ушбу шартномада кўрсатилган қоида ва шартларга амал қилинмаса суюлтирилган газ берилмайди.

5. ГАЗ ХИСОБИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

5.1. “Истеъмолчи”га бериладиган газ ҳажми “Таъминловчи”нинг газ қуйиш калонкасидаги ўлчов асбоблари бўйича, (АГТКШ) орқали “Истеъмолчи”га бериладиган газ миқдори жадвали билан келишилган ҳолда “Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан 28.11.1995 йил тасдиқланган (АГТКШ)дан берилаётган газ миқдорини ўлчаш, ҳисоб-китоб қилиш РД Ўз 51-034-94 услубига» асосан ҳамда Давлатстандарт кўмитаси томонидан тасдиқланган (13.01.1996 йилдаги рнГ № 418) ва 12.04.1996 йил “Истеъмолчи”лар билан (АГТКШ) орқали берилган газ учун ҳисоб-китоб қилиш қўлланмасига асосан аниқланади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартномада кўрсатилгандан ортиқча миқдорда газ олиш қўшимча келишув битими тузиш орқали амалга оширилади.

6.2. “Таъминловчи” ва “Истеъмолчи” қуйидаги ҳолатларда газ бериш ва газ олишни камайтиришга масъул жавобгар эмаслар:

- а) Газ ишлаб чиқариш жойларида авария ҳолатларида;
- б) Ёнгин, ер қимирлаш, сув тошиш ва табиий офатлар вақтида;
- в) Газ, электр тармоқларини таъминлаш ва улар билан боғлиқ синовлар, шунингдек пайвандлаш ишлари олиб борилаётганда;

6.3. Ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни томонлар бажармаса ёки етарли даражада бажарилмаса низолар енг аввало ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судга мурожат қилиш йўли билан ҳал қилинади.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Ушбу шартнома томонларни имзоланган кунидан кучга кириб 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, биринчи нусхаси “Таъминловчи”да ва иккинчи нусхаси нусхаси “Истеъмолчи”да сақланади. Иккала нусха бир юридик кучга эга.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

<p>“ТАЪМИНЛОВЧИ” “Кўшкўпир қурувчи” хусусий фирмаси</p> <p>Асосий х/р: 20208000804445864001 Метан газ учун х/р: 20208000304445864004 Кўшкўпир тумани Ш.Рашидов кўчаси 15 уй Ўзсаноатқурилишбанк Хоразм минт. филиали МФО:00853; СТИР:205901483; ОКЭД:47300 Телефон: 98-577-57-70; 99-577-57-70</p> <p>Раҳбар: _____ К.Матқаримова И.У.</p>	<p>«ИСТЕЪМОЛЧИ» Кушқупир тумани СЭО ва ЖСХ</p> <p>Манзил: Беруний куча 18 уй Тел./факс: 62-32 97-101 ш/х: 100022860332127074110054001 ш/х:401421860332127074110054001 Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 200905860 Молия Вазирлиги ЯГХВ 23402000300100001010 СТИР 201122919 Тошкент ш Марказий банк МФО 00014</p> <p>Раҳбар _____ М.Р.Юсупов М.У.</p>
--	---

